



2013 йил 11 апрель, пайшанба, 14 (490)-сон

# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Пойтахтда бизнес муҳитини янада яхшилаёмиз**

3 ИСЛОҲОТ



**Ташаббус қўллаб-қувватланди**

5 ХУДУДЛАРДА



**Уларни қутқариш мумкин**

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## 2013 йил — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»

### ЁШЛАР УЧУН МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

**Нукус саноят ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди**

Нукус шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада саксондан зиёд корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари 360 буюш иш ўринлари билан иштирок этди.

Меҳнат ярмаркасида қўллаб-қўватлаш бўлими ва «Нукус текстиль» корхонаси 50 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома имзолади.

Этаблланган касбим бўйича «Нукус текстиль» корхонасида иш бошлаётган бўлишим, — дейди битирувчи Ойсулув Қўшмуратова. — Ҳаётда ўз ўрнини топаётганимиз юртимизда биз, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

Тадбирда фуқароларга меҳнат шартномаси, меҳнат муҳофазаси, ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

(ЎЗА).

## «ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2013»



### ЧЕМПИОНАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги IV жаҳон чемпионати давом этмоқда**

Вазни 53 килограммгача бўлган қизлар ўртасида хитойлик Бинлиан Лин штангани даст кўтаришда 86 килограмм, силтаб кўтаришда 101 килограмм, иккикураш бўйича 187 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медалга сазовор бўлди. Корея Халқ Демократик Республикасида келган Ун Сим Рим учта қумуш медални қўлга киритган бўлса, мексикалик Жанет Гомес иккита, венгриялик Ерлис Забала битта бронза медал билан тақдирланди.

Ушбу баҳсда иштирок этган терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси Гулназа Аҳмедова иккикураш бўйича 101 килограмм натижа кўрсатди.

56 килограмм оғирликдаги ўсмирлар мусобақасида таиландлик Тирасак Сринат иккита, хитойлик Фейёнг Жи битта олтин медални қўлга киритди. Қолган совринли уринлар Венгрия, Руминия, Вьетнам ва Колумбия спортчиларига nasib этди.

Вазни 62 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Ғолиб Незматуллаев штангани даст кўтаришда 102 килограмм, силтаб кўтаришда 118 килограмм, иккикураш бўйича 220 килограмм натижани қайд этди.

(ЎЗА).

# Қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши керак

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТИШДИ



Солтқун ЗОИР олган сурат

Парламент кўйи палатасининг 2013 йилга мўлжалланган фаолият дастури доирасида ўтказилган «Ўзбекистонда сувни тежайилган технологиялар, жумладан, томчилатиб сугоришни жорий

этиш: амалий ишлар, яқин истиқболдаги вазифалар ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари» мавзига бағишланган кенгайтирилган мажлисида соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, боғ-

дорчилик, мсва-сабзавот ва узумчиликка замонавий технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Шу ўринда қўми таъзаларининг изчил ёндашуви

натижасида ўтган давр мобайнида айни шу йўналишда 2 та назорат-таҳлил тадбири, 1 та қўми та эшитуви ҳамда 10 дан ортиқ очик мулоқот ва турли семинарлар ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

— Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан саналади, — деди йиғилишда О'зЛиДеР Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, қўми та раҳбари Муҳаммадусоф Тешабоев. — Шу маънода сугориладиган майдонлардан олинган ҳосил миқдорини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдириш орқали мамлакат аҳолиси турмуш даражасини янада юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилган юридик шахсларнинг 5 йил муддатта ягона ер солигидан озод этилиши белгилаб қўйилгани ва бу норманинг тегишли қонунларда ўз аксини топиши юртимизда замонавий сугориш тизимлари инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

2 >>>

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

### Муҳокамалар энди сессияда давом эттирилади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРЗАЧЎЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ О'ЗЛИДЕР ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИДА «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ А.БОБОБЕКОВНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соҳани такомиллаштиришга оид бир қатор қонунларнинг қабул

қилиниши фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқда етакчи кучга айланиб улгурган мулкдорларга хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилмани шакллантириш имконини бериди.

Ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқа-

риш ҳажмини муттасил ошириб бориш, самарадорлик ва рентабеллик ўсишини таъминлаш, фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида ана шу қонунларнинг талаб даражасида ижроси таъминланаётгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

3 >>>

## КЎРГАЗМА

### «BANKEXPO-2013»ДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимиздаги Кўргазма-савдо марказида банк технологиялари ва хизматлари миллий кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимиздаги барча тижорат банклари, шунингдек, Лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи сугурта компаниялари, бир қатор маҳаллий ва хорижий компаниялар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан қатнашмоқдалар.



Асаф БУҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

2 >>>

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ



### Бандликни таъминлаш миллий стратегияси

УШБУ СОҲАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСINI БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАЯПТИ

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатида қўлаб мамлакатларда бандликни таъминлаш энг ўткир муаммага айланган бир пайтда Ўзбекистонда ҳам йили салкам бир миллион янги иш ўрни яратилаётгани барча соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларнинг ўзаро боғлиқлиги, тадрижийлик ва бошқича-босқичлик тамойилига асослангани, яъни бири иккинчисини тўлдириши ва ривожлантиришга хизмат қилганини кўрсатиб турибди.

Ҳар қандай жараён муваффақияти, энг аввало, мустаҳкам қонунчилик базасидан «старт» олиши ва унда белгилаб берилган қонунларга биноан ҳаётга татбиқ этилиши ҳаммамизга яхши маълум. Шу маънода мамлакатимизнинг бандлик йўналишидаги миллий стратегиясига 1992 йилнинг 13 январидан, яъни мустақилликка эришганимизга эндигина тўрт ой тўланган бир вақтда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш билан асос солинган эди.

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 9 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатини қўйиладиган қийматини белгиледи:\*)

\*) Валюта қийматини белгилани чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

1 Австралия доллари	▲ 2123,98
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3140,98
1 Дания кронаси	▲ 357,12
1 БАА дирҳами	▲ 557,93

1 АҚШ доллари	▲ 2049,18
1 Миср фунти	▼ 299,67
1 Исландия кронаси	▲ 17,20
1 Канада доллари	▲ 2015,32

1 Ҳитой юани	▲ 330,25
1 Малайзия рингити	▲ 670,54
1 Польша злотийси	▲ 640,49
1 СДР	▲ 3076,43

1 Туркия лираси	▲ 1142,81
1 Швейцария франки	▲ 2193,51
1 ЕВРО	▲ 2635,76
10 Жанубий Корея вони	▼ 18,00

10 Япония иенаси	▼ 207,95
1 Россия рубли	▼ 64,81
1 Украина гривнаси	▲ 256,37





# БУНЁДКОРЛИК

## Минтақага нур берган маскан

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Зумрад АБРОРОВА,**  
«XXI asr»

Йил давомида истеъмолчиларга 2 миллион 430,9 геккалория иссиқлик энергияси етказиб берилиб, иссиқбол режаси 109,5 фоизга бажарилгани ҳам ушбу станция салоҳияти ва маҳобатидан дарак бериб турибди.

Айниқса, иссиқлол йиллари ушбу корхонанинг технологик жараёни янада такомиллаштирилади. Босни, корхона қурилмалари йиллар ўтиб маънан ва технологик жиҳатдан эскириб, талабга жавоб бермай қолганди. Мисол учун, станциянинг XX асрнинг 80-йилларида ишга туширилган, ҳар бири 210 МВт қувватли 11 ва 12-энергоблокларнинг айланма сув совутиш тизими Марказий Осиё иқлим шароитлари ва

Зарафшон дарёси суви таркибининг минераллашуви даражаси инобатга олинмасдан қурилгани боис, 1990 йилга келиб умумий талабга жавоб бермай қолди. Бир кВт/соат электро-энергия ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи солиштирма сарфи метёрдан ошиб, ёзнинг иссиқ кунларида 430-440 граммга чиқди. Бу эса бутун станция кўрсаткичларига салбий таъсир қила бошлади. Ушбу энергоблокларнинг режалдан ташқари тез-тез тўхтатилиши, айланма сув совутиш тизими минораларининг техник кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилаётган катта сарф-ҳаражатлар охир-оқибат ўзини оқламай қолди. Вазиятни ўнглаш мақсадида янги инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилиб, Туркиянинг «CENK INDUSTRIES» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ совутиш минораларини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Қиймати 7 миллион АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳа тўла амалга оширилгач, юқорида зикр этилган қурилмаларда 40 мегаватт миқдордаги қувватни қайта тиклаш мумкин бўлади. Бу эса корхона бўйича йилга қўшимча 200-220 миллион кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилишини таъминлаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар доирасида «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси раҳбарияти томонидан ҳам энергетика тизимига янги технологиялар олиб кириш, мавжуд энергия ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва уни ҳисобга олишда янги электрон-автоматик тизимларни жорий этиш борасида бир қанча инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган эди. Ана шу дастурлар доирасида Навоий ИЭС ОАЖда ҳам қатор инвестицион лойиҳаларни амалга татбиқ этиш режалаштирилди. 2009 йилнинг август ойида Испаниянинг «Интек энергия» ҳамда Туркиянинг «Чалик энержи» компаниялари консорциуми билан «Ўзбекэнерго» ДАК ўртасида янги объектни 36 ойда қуриб фойдаланишга топшириш ҳақида халқаро шартнома

имзоланди. Мазкур консорциумнинг жаҳонга машҳур ҳамкори — Япониянинг «Миубиси» компанияси асосий энергоускуналар — газ ва буг турбиналарини генераторлари билан бутланган ҳолда етказиб берди. Шу ўринда бу ускуналарнинг ўта замонавийлигини таъкидлаш жоиз. Лойиҳага мувофиқ, «Интек энергия» компанияси буг-газ қурилмаси мажмуини лойиҳалаш, етказиб берилиши лозим бўлган ускуна ва қурилмаларга бюртма бериб, уларни бутлаш ҳамда ўрнатилиши устидан умумий назорат ва синов-созлаш ишларини ўз зиммасига олди. «Чалик энержи» компанияси эса қурилиш ва ускуна-қурилмалар монтажини амалга оширди. Консорциум қурилиш жараёнида ўнлаб пулратчи-ижрочи компанияларни жалб этгани боис қурилиш майдончасида мингга яқин киши меҳнат билан банд бўлди.

Яқинда бу ерда яна бир янгиликка қўл урилади. «Навоий иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятида қуввати 478 МВтга тенг янги, комбинациялашган цикли, яъни ўзининг алоҳида генераторларига эга газ ва буг турбиналаридан иборат буг-газ қурилмаси қуриб битказилди. Синов-созлаш ишлари ниҳосига етказилиб, тармоққа уланди. Ҳозир у истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бермоқда.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 августдаги 1176-қарори ва 2010 йил 29 октябрдаги 1455-қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди. Қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг ушбу йirik лойиҳага Ўзбекистон Республикаси Реконструкция ва тараққиёт фонди ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан инвестиция киритилди. Бундан ташқари лойиҳани амалга ошириш учун «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ўз маблағлари ҳам жалб этилди.

Лойиҳани амалга татбиқ этишда маҳаллий кадрлар тажрибасини ошириш мақсадида 20 нафар ёш мутахассисдан иборат ОАЖ ходимлари Япониянинг «Миубиси» компанияси заводларида малака ошириб қайтилар. Яна бир гуруҳ мутахассислар эса Испаниядаги ИВВ ўқув марказида ташкил этилган курсларида таҳсил олдилар.

Соатиға 90 минг кубометр табиий газ ёқилғиси сарфланган, комбинациялашган цикли ушбу қурилма газ турбинаси генераторининг қуввати 313 минг киловаттга ташкил қилса, ёниш маҳсулотларининг қолган иссиқлиги ҳисобига ҳосил қилинган буг — қуввати 165 минг киловаттга ташкил этилган буг турбинасига йўналтирилади ва қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади. Мазкур цикл ҳисобига юқори тежамкорликка эришилади. Аънаваный иссиқлик электр станцияси циклида 1 кВт/соат электр энергияси ҳосил қилиш учун тахминан 380-400 грамм шартли ёқилғи сарфланса, комбинациялашган цикли мазкур қурилмада бу кўрсаткич 234 граммни ташкил этади. Унинг ишга туширилиши натижасида йилга 400-500 миллион кубометр табиий газ ёқилғиси тежаб қолинади.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши республикамиз энерготизимининг иссиқлик



**Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши республикамиз энерготизимининг иссиқлик электр станцияларида халқаро экология стандартлари талабларига жавоб берадиган, электр энергияси таннархини камайтириш имконини берадиган энг замонавий технологияларни жорий этиш, энергоқувват тизимларини модернизация қилишда янги даврни бошлаб беради.**

электр станцияларида халқаро экология стандартлари талабларига жавоб берадиган, электр энергияси таннархини камайтириш имконини берадиган энг замонавий технологияларни жорий этиш, энергоқувват тизимларини модернизация қилишда янги даврни бошлаб беради.

Янги лойиҳанинг яна бир ўзига хослиги — унда замонавий услублар ҳам мужассам бўлгани билан изоҳланади. Масалан, иссиқлик электр станцияларининг одатдаги қурилмаларида ёниш маҳсулотларининг кенгайиш энергиясидан деярли фойдаланилмайди. У асосан ёниш маҳсулотлари тезлигининг ошиши туфайли иссиқлик алмасувини қисман яхшилайди. Янги қурилмада эса ёниш маҳсулотларининг кенгайиш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига циклдаги ишнинг асосий қисми газ турбинасида бажарилди. Кейинги босқичда аънаваный усулда, яъни ишлаб бўлган ёниш маҳсулотлари яна буг қозонига йўналтирилади ва буг турбинасида иккиламачи иш бажарилди. Аммо бунинг учун табиий газ ёқилғисини газ турбинаси ёниш камерасига 50 атмосферага кўтариб бериши лозим бўлади. Буг-газ қури-

масига газ ёқилғисини деярли 55 атмосфера (кг/см квадрат) босим билан сиқиб берадиган, икки агрегатдан иборат компрессор станциясини қуриш эса қиймати 28 миллион АҚШ долларига тенг яна бир инвестицион лойиҳа сифатида шаклланди.

«Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖда модернизациялаш ишлари бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда бу ерда қуввати 450 мегаватт бўлган яна бир буг-газ қурилмаси бунёд этила бошланди.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиб бораётганлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-сонли фармони ва 2012 йил 21 декабрдаги 1855-сонли қарори асосида станцияда яна битта шундай қурилмани бунёд этиш ва станцияни кенгайтириш белгилаб берилди. Умумий қиймати 516 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу лойиҳани амалга оширишнинг молиявий манбаларини шакллантириш «Ўзбекэнерго» ДАК ва Ўзбекистон реконструкция ва тараққиёт фонди ҳамда Япониянинг Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) кредити маблағлари ҳисобига амалга оши-

риш режалаштирилган. Йилига 3-3,2 миллиард киловатт электр ва 200 геккалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу қурилма тежамкорлиги ва атроф-муҳитга жуда кам зарарли чиқиндилар чиқариши билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг ишга туширилиши корхонада йилга 500 миллион кубометр табиий газ ёқилғисининг иқтисод қилинишига олиб келади. Айни кунларда мазкур лойиҳаларни кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун бизнес-режалар, тармоқли жадваллар, техник асослаш ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Кези келганда айтиб ўтиш жоиз, «Ўзбекэнерго» ДАК 2000 йилдан бери энергия ишлаб чиқариш балансидаги улushi деярли 80 фоизни ташкил қиладиган иссиқлик электр станциялари ичида газда ишлайдиган станциялар қувватини буг-газ қурилмаларига алмаштириш гоёси устида иш олиб бормоқда. Дастлабки лойиҳа «Тошкент ИЭС» унитар корхонасида амалга оширилиши режалаштирилган эди. Лекин «Навоий халқаро аэропорти» ва Логистика маркази, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ўз фаволиятини бошлаши муносабати билан бундай қурилмани биринчи навбатда «Навоий ИЭС» ОАЖда қуриш бўйича қарор қабул қилинди. Зеро, саноатлашган Навоий вилоятида электр энергиясига талаб тобора ошиб бораётгани шуни тақозо қилди. Шу ўринда янги қурилманинг ишга туширилиши станциянинг электр энергия ишлаб чиқариш қувватини деярли 1,5 баробарга ошириш имконини беришини айтиш мумкин.

Корхона маъмурияти фақат ишлаб чиқаришга оид масалалар — ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан чекланиб қолмапти. Айни пайтда бу ерда қўшимча иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш,

озик-овқат маҳсулотлари тайёрлаш масалаларига оид яна 5 та инвестицион лойиҳа муваффақият билан амалга татбиқ этилаётир. Корхона ҳузурда ташкил этилган 5 гектарли интенсив боғда жамоа аъзолари учун мева-чева етиштириш кўзда тутилган бўлса, яқинда қуриб битказилган чорвачилик мажмуида 43 бош қорамол парвариланаётир. Ушбу ферма учун Украинадан яна 202 бош сермаҳсул ва зотдор қорамол сотиб олиш режалаштирилмоқда. 2 гектарли сунъий ҳовузда эса баликлар боқилмоқда.

Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «Навоий ИЭС» ОАЖ да қисқа муддат ичида 18 та янги иш ўрни яратилиб, яна 25 нафар касаначи доимий асосда ишга қабул қилинди. Мустақил ҳаётга қалам қўяётган йигит-қизлар ҳам томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг тажриба ва қўникмаларини ошириш, корхона ва ҳаётда ўз ўрнини топиб олишлари учун уларга амалий ёрдам кўрсатиляпти. Масалан, ўтган ўқув йилида Навоий ҳамда Кармана саноат касб-ҳунар коллежлари талабаларидан 140 нафари ушбу ОАЖда ўқув амалиётини ўташди. Ўқув йили якунида улар орасидан энг иқтидорли ва билимли бўлган 33 нафари корхонага ишга олинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераки, навоийлик нурчилар гарчи эътироф этишга сазовор ютуқ ва муваффақиятларга эришяётган бўлсаларда, бу билан чекланиб қолмаптилар. Уларнинг нигоҳлари энди нурафшон келажакка юзланган. Ишлаб чиқариш самардорлиги ва меҳнат маҳсулдорлигини янада ошириш, янги инвестицион ва инновацион лойиҳаларни жалб этиш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасидаги ишларни тобора кучайтириб, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшяптилар.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



## АНДИЖОН.

«O'ZLiDeP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА БПТЛАР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАШ ТОМОНИДАН РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ, ПАРТИЯДА ТИЗИМЛИ МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШУВИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, ЭЛЕКТОРАТ ЎРТАСИДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ, ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.



## НАВОИЙ.

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ҚОШИДАГИ БПТ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАРМАНА ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИГИЛИШ «ФЕРМЕРЛИК: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ЁНДАШУВ, МУАММО ВА ЕЧИМ» МАВЗУСИГА БАРИШЛАНДИ. УНДА ТУМАНДАГИ МАВЖУД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ БИЛАН УЧ ҚОЛАМА ШАРТНОМА ИМЗОЛАБ, ТАЖРИБА ОШИРАётган КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

2013 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА, 11 (490)-СОН

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## Ташаббус қўллаб-қувватланди

Янгийўл туманида яшовчи ногиронлар бошланғич партия ташкилотлари томонидан оталиққа олиниб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
«XXI asr»



Бугунги кунда Янгийўл туманида O'zLiDePнинг 600 дан ортиқ аъзоси бўлиб, улар 45 та бошланғич ташкилот атрофида уюшган ҳолда фаолият юритмоқдалар. БПТлар таркиби нафақат сон, балки сифат жиҳатдан мустақамланаётганлиги эътиборни тортади. Туман партия кенгаши раиси ўринбосари Ф.Қорабевнинг таъкидлашича, жойларда гоёвий-сиёсий ишларни кучайтириш ўз самарасини бермоқда. O'zLiDePнинг гоё ва мақсадлари омма қалбидан тобора чуқурроқ ўрин эгаллаётди. Биргина ўтган йили 120 дан ортиқ янгийўллик партия сафига қўшилди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Йигит-қизлардаги қатъият, сиёсий жўшқинлиқни кўриб, келажакимиз ишончли қўлларда эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аллақачон тараққийётган бўлиб турган. Мавжуд 2 мингта бизнес субъекти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки хориж бозорларида ҳам харидордир. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. O'zLiDeP аъзоси Мамлакат Ибрагимова бизнес фаолиятини туманда биринчилар қаторида йўлга қўйган тадбиркорлардан. Энциликда у ўзининг бой ва ибратли тажрибаси билан кўпчиликка ўрнақдир.

— Мана, бир неча йилдирки, туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошида бошланғич партия ташкилоти иш олиб бормоқда, — дейди М.Ибрагимова. — Қуйи бугун ўз атрофида 20 га яқин аъзони бирлаштирган бўлиб, улар асосан тадбиркор хотин-қизлардан иборат. Биз олдинга аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, жойларда бандлик даражасини ошириш вазифасини қўйганмиз. Биргина ўтган 2012 йилда БПТ сай-ҳаракати билан 20 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Янгийўл шаҳрида саноат, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳаларига иктисослашган касб-хунар коллежлари ҳам бор. Уларда 5 мингга яқин йигит-қизлар билим олиш билан бирга турли

касб-кор сирларини ўрганишмоқда. Бу борада O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнега» лойиҳаси фаолиятимизда алоҳида ўрин тутапти. Қўллаб-қувватлаш бозор талабларини пухта ўзлаштириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ўз бизнесларини йўлга қўйишмоқда. Зеро, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларнинг гоёвий камолоти ҳақида қайғуриш айни кундаги долзарб масалалардан биридир. Бироқ жойларда кичик бизнеснинг ривожини силлиққина кечаётгани йўқ. Масалан, айрим тадбиркорлар кредит олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Ана шунда партиянинг қуйи бўғинлари ва фаоллари томонидан уларга яқиндан ёрдам кўрсатиляпти. Чунки кўпгина банк филиаллари қошида БПТлар иш олиб бормоқда. Бунинг натижасида ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Масалан, Комилжон Са-

идкаримов, Иброҳим Бадалов олган сарможларини мақсадли йўналтириб, ўз томорқаларида иссиқхона барпо этиш орқали қишлоқда оилавий бизнесни йўлга қўйишди. Лола Маърупова, Маҳфуза Мелибоева каби тадбиркорлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Улар жойларда сервис хизматини йўлга қўйиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

— Ўтган йил давомида амалга оширилган гоёвий-сиёсий ишларнинг қўламини кенг. Бунинг оддий рақамлар орқали изоҳлаб бўлмайди, албатта. Яқинда биз шаҳримиз ва туманимизда яшовчи ногиронларга кўрсатилаётган хизмат сифати билан қизиқдик, — дейди БПТ етакчиси. — Таҳлиллар шунини кўрсатдики, туманимизда жами 4 мингдан ортиқ ногиронлар истиқомат қилади. Аммо вақтинча ёки умуман юриш қобилиятини йўқотган ногиронларга мингта яқин махсус аравачалар

тарқатилган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги носоз ҳолга келиб қолган. Нафақат Янгийўлда, ҳатто кўнни туманларда ҳам уларни тузатадиган устахоналар йўқ. Шунинг учун ҳам бошланғич ташкилот ташаббуси билан ногиронлар аравачаларини тузатадиган устахона очилиш таклифи ўртага ташланди. Бу хайрли ҳаракат туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Бундай ишлар орқали Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифаларни имкон даражасида бажаришга уринаямиз. Зеро, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари оммага яқин бўлган сиёсий тузилма сифатида бошқалардан ажралиб туриши керак. Шундай экан, уларнинг фаолиятини янада ошириш, белгиланган вазифалар ижобати йўлида сиқидилган хизмат қилиш асосий шиоримизга айланиши лозим.

## «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

### МАҲАЛЛАГА ЗЎР БЕРАМИЗ

Уйчи туманидаги «Бог» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш» мавзусидаги мулоқотда тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ва меъриий ҳужжатлар хусусида сўз юритилиб, жойларда аёллар учун қулай меҳнат шaroитлари яратиш, маҳаллани оилавий бизнес маркази сифатида ривожлантириш ҳамда оила ва маҳалла ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тадбирда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда «Аёллар қаноти» зиммасидаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.



### «ҚАНОТ» ҚИЗЛАР БИЛАН БЕЛЛАШДИ

Қизилтепа туманидаги 7-сонли болалар спорт мактабида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган «Спорт ҳаётдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» шиори остида навбатдаги беллашув бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу мактабнинг спортчи қизлари «Аёллар қаноти» фаоллари билан енгил атлетика бўйича ўзаро куч синашдилар.

### ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ

«Аёллар қаноти»нинг Улуғнор туманида бўлиб ўтган давра суҳбатда эрта турмуш куриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, уларни бартараф этиш масалалари хусусида сўз юритилди. Тадбирда асосий эътибор жойларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ёт оқимларга қариб қолишларининг олдини олиш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.



### «БЕКАЖОН-ЯН» ТАШАББУСИ

«Бекажон-Ян» корхонасидаги бошланғич ташкилотда «Тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш — мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва ишлаб чиқаришини диверсификациялаш омиллари» мавзусида мулоқот ўтказилди. Сирдарё вилоятидаги O'zLiDeP Янгийўл шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда тадбиркор ва фермерларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз борди ҳамда улар учун яратиб берилган имтиёз ва имкониятларнинг моҳияти кўрсатиб ўтилди. Тадбир якунида иштирокчиларнинг таклифи ва тавсиялари умумлаштирилиб, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Абулфайз САЙИДАҚАРОВ тайёрлади.



## ФАОЛЛИК — БОШ МЕЗОН

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган партиявий вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Унда қуйи ташкилотлар ролини янада мустақамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ташаббусларни кенг тарғиб этиш, айниқса, қишлоқ мулкдорлари орасида аъзолар ва электротар сонини кўпайтириш, партия фаолларининг назарий ва амалий билимларини янада оширишга оид чоралар белгилаб олинди.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти бўлими етакчи мутахассиси Х.Қабуллов, O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Беқононов сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар бўйича жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан эканини таъкидладилар.

Янгийўл ҚУЧҚОРОВ

Ахроржон МУСУРМОНОВ,  
«XXI asr»

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда «Сиёсий партияларнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарасини таъминлаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда бошланғич ташкилотлар тузилмасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партия аъзоларининг иш ва яшаш жойларидан келиб чиқиб қуйи ташкилотларга бирлашиши ҳамда электротар билан иш олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилди. Кенгашнинг ташкилий-партиявий бўлими раҳбари

Абдулахад Алимбоевнинг фикрича, БПТлар фаолиятини ошириш ҳар доим ҳам долзарб масала ҳисобланган. Аммо бу йил айни масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда O'zLiDeP Тўрақўрғон туман кенгаши аппарат раҳбари Нигора Назарова, Наманган туман кенгаши аппарат раҳбари, халқ депутатлари Наманган шаҳар депутати Анваржон Абдуллаев ҳам сўзга чиқиб, айни пайтда БПТлар фаолияти юзасидан юқори ташкилотларни хабардор этиш тизими мустақамлашиши, хусусан, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш электротар фаолиятига доир масалаларни ҳал этишда муҳим эканини таъкидладилар.

Мунозараларда сўзга чиққанлар эса бошланғич

ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш «Кучи қуйи бўғиндан — кучли партияга» шиорига амал қилиш учун, энг аввало, БПТларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, ҳудудий партия кенгашлари томонидан O'zLiDeP дастурий гоёларини тарғиб этувчи плакатлар, тарқатма материаллар билан таъминлаш, қуйи ташкилотларда ўтказилаётган тадбирларнинг мазмунини янада бойитиш зарурлигини ҳам таъкидладилар. Шунингдек, семинар-тренингда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш ва шу асосда янги иш ўринлари яратишга қаратилган фаолиятни янада жонлантириш хусусида ҳам фикр алмашилди.



## Қуйи бўғинга юқори эътибор керак

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, O'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ УЧУН «ПАРТИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР»ГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАРДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ЭДИ

# ЖАРАЁН

## ЯНГИЛИК

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ХАРИТАСИ ЯРАТИЛДИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси мутахассислари томонидан «Ўзбекистоннинг маданий мерос объектлари харитаси» яратилди.

Юртимиз тарихида биринчи марта тайёрланган мазкур харита мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ноёб тарихий ёдгорликларнинг давлат томонидан муҳофазаланишини янада юқори даражага кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 10 мингдан ортиқ қадимий меъморчилик объекти рўйхатга олинган бўлиб, айни пайтда яна 10 мингта осори-атиқани ана шу рўйхатга киритиш ишлари олиб борилаётган. Харитада инсоният тарихининг тош асридан бугунгача бўлган давр оралиғида мамлакатимиз ҳудудида барпо этилган тарихий ва ўзига хос объектларнинг жойлашган нуқталари акс эттирилган.

## АЙБДОР КИМ?



### ЕТМИНН ИККИ МИНГДАН ЗИЁД ҚОНДАБУЗАРЛИК

Ўтган ҳафта давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жами 72081 та қондабузарлик аниқлангани соҳага оид қонун ва қонунияти ҳужжатлари тақомиллаштирилаётганига қарамай, бу борада назорат янада кучайтирилиши кераклигини таъкидлаётган. Жумладан, таҳлиллар 1076 нафар ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқаргани, 13830 нафари белгиланган тезликини оширгани, 3544 нафари светофор ва чорраҳалардан ўтиш, 11874 нафари одам ташвиш, 1940 нафари эса темир йўл кесимида қондан ўтишда қондабузарликларга айланишда қўрсатмоқда. Ана шу жараёнда транспорт воситаси ойнасини мейвбўридан ортиқ қорайтирган 441, ҳаракат вақтида телефондан фойдаланган 705 ва хавфсизлик камарларини тақмасдан ҳаракатланган 12457 нафар ҳайдовчига нисбатан ҳам тегишли чоралар қўрилганини таъкидлаш лозим.

Энг ачинарлиси эса қондабузарликлар инспектор ўлимига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2013 йил 6 апрель кунин Самарқанд шаҳрида шахси аниқланмаган ҳайдовчи пивдани уриб юборган ва қочиб кетган. Натияжада пивда М.Хайдаров воқеа жойида ҳалок бўлган. Олиб боришдан қидирув ишлари тўғрисидаги ушбу жиноят тўғрисида Б.Шоназаров томонидан «Дамас» русумли автомобилда содир этилгани аниқланди. Бу ҳодисадан бир кун аввал эса Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Н.Биназаров маст ҳолда шахсий «Нексия» русумли автомобилни бошқариши оқибатида йўлни кесиб ўтаётган ҳамшира Э.Жаксимовни уриб юборган. Натияжада пивда воқеа жойида ҳалок бўлган.

Навий вилотининг Хатирчи туманида истикомат қилувчи А.Эргашев ишонч қозғосис Ж.Тоғаевга тегишли «Матиз» русумли автомобилда қарама-қарши йўналишдан келаятган К.Худойкулов бошқарувидagi «МХ-140» русумли трактор билан тўқнашув содир этган. Натияжада «Матиз» русумли автомобиль ҳайдовчиси А.Эргашев вафот этган, йўловчи Н.Турсунова эса касалхонага ётқизилган.

ИИВ ЙХББ Матбуот хизмати хабари асосида тайёрланди.



XALQ BANKI

# Изланиш — янги ютуқлар учун мустаҳкам замин

Реклама ўрнида

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА БАНК-МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ САЛМОҚЛИ ЎРНИ БОР

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Таъқидлаш жоизки, давлат-тижорат Халқ банкнинг Андижон вилоят филиали таркибида 16 та туман (шаҳар) филиали, 9 та минибанк, 73 та шохбоба, 79 та махсус кассалар бўлиб, улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришга биринчи даражада аҳамият қаратилаётган. Истикболли лойиҳалар ўз вақтида қўллаб-қувватланиши эса янгилик-янги ютуқларга йўл очаяпти.

— Тадбиркорларнинг энг яқин кўмақчиси — тижорат банклари, — дейди Хужабод туманидаги «Абу-Трикотаж» хусусий корхонаси раҳбари Сабҳиддин Ёрқинов. — Биз ҳам Халқ банкнинг 150 млн. сўм кредити ҳисобига хориждан замонавий тикиш-бичиш ускуналари харид қилиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик ва 15 нафар ёшларни иш билан таъминладик. Андижонда Халқ банкнинг биз каби миқозлари кўпчиликини ташкил этади.

Дарҳақиқат, шундай. Ўтган йили филиал томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 823 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 1 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам бирдек манфаат келтираётган. Тадбиркор Дилдорахон Позилова банкнинг 13,5 млн. сўм кредит маблағи эвазига чинни буюмлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Ҳозирги кунда улар ички бозорда жуда харидордир. Шунинг орқасидан қўллаб ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам банкнинг жойлардаги филиаллари, минибанк ва шохбобалари бу борада кенг кўламли ишларга бош қўшаётган. Жумладан, қасаначилик фаолияти билан шуғулланган 100 дан зиёд тадбиркорга молиявий ёрдам кўрсатилди. Навқирон авлод вакиллари ҳам бундай эътибордан четда қолишмаётгани йўқ. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида уларга 1 миллиард 700 миллион сўмга яқин истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди. Натияжада 40 та ёш оила рўзгорини бутлаб, айни кунда фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Умуман, ҳозиргача шаҳар ва қишлоқларни янада ободлантириш, уй-жойларни замонавий лойиҳа асосида қуриш учун 400 млн. сўм кредит йўналтирилди. Шу ҳисобдан 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Банкнинг Булоқбоши филиали мижози «Тоҳир-Ботир» хусусий корхонасига ҳам 100 млн. сўм кредит ажратилган эди. Ушбу маблағ қўл келиб, корхона томонидан қўш қувватли умумий оқватланган шохбобаси барпо этилди. Айни кунда бу ерда 15 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилинмоқда.

Касб-ҳunar коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам банк мутасаддилари эътиборида. Тад-



биркорлар орасида эса ўзларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида синаб кўришга аҳд қилганлари кўпчилигини ташкил этаётган. Ўтган йили ана шундай ёшларга 705 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 1 млрд. 800 млн. сўмга етказиш режалаштирилган. Шаҳрихон туманидаги маиший хизмат ва касб-ҳunar коллежи ҳам банк томонидан оталиққа олинган бўлиб, ўқув дарғоҳида минибанк шохбобалари шаклида ташкил этилди, тикув машиналари харид қилинди. Коллеж ўқувчилари эндиликда шу ернинг ўзига яқин истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди. Натияжада 40 та ёш оила рўзгорини бутлаб, айни кунда фаровон ҳаёт кечирмоқда.

— Тадбиркорлик соҳасига жуда қизиқаман, — дейди маиший хизмат қўрсатиш касб-ҳunar коллежи битирувчиси Зарнигор Абдуразақова. — Бизнес-режим билан Халқ банкнинг мутахассислар лойиҳамни кўриб чиқиб, 7 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган қарор қилинди. Эндиликда янги ташкил этилган гўзаллик салонига ўзим тенг 5 нафар ёшлар меҳнат қилишмоқда. Халқ банки билан амалий ҳамкорликни янада мус-

таҳкамлаб, бундан-да каттароқ ишларга қўл уриш ниятидаман.

Шу ўринда аҳоли ва юридик шахсларнинг вақтинча бўлиб турган пул маблағларини депозитларга жалб этиш ҳам банк жамоасининг доимий эътиборида эканини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада асосий дастурийлашма вазифасини ўтамоқда. Жумладан, «Даромат-2», «Наврўз ифори», «Мустаҳкам оила», «Коммунал хизмат», «Болажонга мадад», «Оила манфаати», «Обод турмуш» каби жозибдор омонат турларига қўйилган маблағларнинг кўпайиб бораётгани банк муассасасига бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлашга.

Қисқа қилиб айтганда, Халқ банки Андижон вилоят филиали жамоаси хизмат сифати ва маданиятини ошириш, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни рағбатлантириш, янги иш ўрнларини яратиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, умуман, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу ҳаракатлар қандай самара бераётганигини эса юқоридagi фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

# Ислоҳотлар янада самарали ишлашга ундамоқда

— ДЕЙДИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ БИРЛАШМАСИ БОШ ШИФОКОРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭРКИН ЎРИНОВ

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI asr»

— Юртбошимиз Ислам Каримов «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсади-миздир» номли маърузаларида «...ҳалқимизнинг соғлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий давлат боситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада филокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг маънавияти ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади», деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, инсон саломатлигини асраш истиқболнинг илк қўрилган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мезонига айланди. Натияжада 20 йил нари-берисида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат ҳаракатлари ҳажми 5 баробарга ошди ёки одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга етди.

Қизилтепа туманида ҳам замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган, барча қулайлик ва энг янги технологиялар асосидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 33 та ҚВП, битта кўп тармоқли марказий поликлиника, битта сил касаллигига қарши курашни диспансери ва марказий шифохона туманининг 134 минг нафардан зиёд аҳолига намунали хизмат қўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари асосида марказий шифохонанинг ички дорихона, микробактериал тизим, тиббий ёрдам бўлимлари, автосарой, ошхона ҳамда кир ювиш хоналари қайтадан қурилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Янгидан харид қилинган «ДАМАС» русумли махсус автомашиналар ҳисобига эса тиббий ёрдам бўлимининг моддий-техник базаси яхшиланди. «Вангози» ҚВП олдида тиббий ёрдам бўлимининг филиали очилди. Айни кунгача тумандаги 10 дан зиёд ҚВП қайта таъмирланиб, модул сифатида жиҳозланди. Япония гранти ҳисобидан шунингиз тиббий ёрдам бўлимига 75 минг АҚШ доллари миқдоридagi тиббий асбоб-ускуналар, бундан ташқари «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида тўғруқхона ва шунингиз тез тиббий ёрдам бўлимлари, катта жароҳлик мажмуаси нархоз бериш — ДРАГЕР, КУВЕЗ, ФЭК, «АМБО-3» ускуналари, диатермоагрегулятор, реанимация кровати ҳамда бошқа ўнлаб жаҳон андозларига мос, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мавжуд ҚВПларнинг 22 таси «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» дастурлари асосида 96 турдаги, 11 таси 22 турдаги зарур тиббий техника, лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Бу борада давлат ва маҳаллий бюджет маблағларидан ташқари саховатли тадбиркор юртодшларимизнинг хайрли ишлари, улар томонидан қўрсатилаётган бегарз ҳомилийк ёрдамларини ҳам айтиш мумкин. Хусусан, «Тошрабоб» қишлоқ шифохонасининг тўғруқхона, «Ази-

зобол» қишлоқ шифохонасининг ички касалликлар бўлимлари ҳам тадбиркорлар кўмағида таъмирланди. Марказий шифохонанинг шунингиз тез тиббий ёрдам бўлимини жаҳон андозлари даражасида буткул таъмирлаш ва реконструкция қилишда ҳам ҳомилар ўзига хос улуш қўшилди.

Тиббиётда касалликни даволагандан кўра, уни олдини олган афзал, деган нақлга алоҳида эътибор қаратилади. Қизилтепа шифокорлар ҳам «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида жаҳон андозларига мос жиҳозланган 40 та таҳлилхонада 2012 йил давомида 61,5 мингтага яқин турли таҳлиллар ўтказиб, беморларга тўғри ташхис қўйиш ва касалликни эрта аниқлаб, даволаш самардорлигини оширишга эришилди. Худди шунингдек, замонавий аппаратлар билан жиҳозланган марказий касалхонанинг физиотерапия бўлими ҳамда тумандаги барча ДПМларидagi физиотерапия хоналаридagi муолажалар беморларни самарали ва асоратсиз даволашга хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури асосида айни кунгача 40 нафардан зиёд шифокор Бухоро ва Самарқанд давлат тиббиёт институтларининг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ҳамда 5 баробарга ошди ёки одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга етди.

Қизилтепа туманида ҳам замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган, барча қулайлик ва энг янги технологиялар асосидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 33 та ҚВП, битта кўп тармоқли марказий поликлиника, битта сил касаллигига қарши курашни диспансери ва марказий шифохона туманининг 134 минг нафардан зиёд аҳолига намунали хизмат қўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари асосида марказий шифохонанинг ички дорихона, микробактериал тизим, тиббий ёрдам бўлимлари, автосарой, ошхона ҳамда кир ювиш хоналари қайтадан қурилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Янгидан харид қилинган «ДАМАС» русумли махсус автомашиналар ҳисобига эса тиббий ёрдам бўлимининг моддий-техник базаси яхшиланди. «Вангози» ҚВП олдида тиббий ёрдам бўлимининг филиали очилди. Айни кунгача тумандаги 10 дан зиёд ҚВП қайта таъмирланиб, модул сифатида жиҳозланди. Япония гранти ҳисобидан шунингиз тиббий ёрдам бўлимига 75 минг АҚШ доллари миқдоридagi тиббий асбоб-ускуналар, бундан ташқари «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида тўғруқхона ва шунингиз тез тиббий ёрдам бўлимлари, катта жароҳлик мажмуаси нархоз бериш — ДРАГЕР, КУВЕЗ, ФЭК, «АМБО-3» ускуналари, диатермоагрегулятор, реанимация кровати ҳамда бошқа ўнлаб жаҳон андозларига мос, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мавжуд ҚВПларнинг 22 таси «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» дастурлари асосида 96 турдаги, 11 таси 22 турдаги зарур тиббий техника, лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Бу борада давлат ва маҳаллий бюджет маблағларидан ташқари саховатли тадбиркор юртодшларимизнинг хайрли ишлари, улар томонидан қўрсатилаётган бегарз ҳомилийк ёрдамларини ҳам айтиш мумкин. Хусусан, «Тошрабоб» қишлоқ шифохонасининг тўғруқхона, «Ази-

## РЕКЛАМА

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ёғлари бўйича таълово эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори ҳалқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

**Фонд томонидан лойиҳа ёғлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш таълово асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.**

Таълово куйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Таъловога инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида таътиб этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ёғлар қабул қилинади.

Таъловода ўз лойиҳа ёғлари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштироки этишлари мумкин.

Таъловода қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:  
Ариза (намунга бўйича);  
Инвестиция таклифи (намунга бўйича);  
Инвестиция таклифи паспорти (намунга бўйича).

**Батафсил маълумот учун:**  
Тел: +(998 71) 238-69-07,  
+(998 71) 238-69-08;  
Web-sayt: www.fpd.uz;  
E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават.  
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Вунёдор» метро бекати.



# СЎНГГИ САҲИФА



## «Балли, ўзбек ёшлари!»

ПАРИЖ ШАҲРИДА БУТУНЖАҲОН ЖАНГ САҢЪАТЛАРИ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЯККАКУРАШ СПОРТ ТУРЛАРИ XXVIII ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА ЎЗБЕК ЖАНГ САҢЪАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЧИҚИШЛАРИ АНА ШУНДАЙ ОЛҚИШЛАР БИЛАН ҚАРШИ ОЛИНДИ

Ўз мухбиримиз

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамюртларимиз дунёга машҳур «Versy» спорт мажмуасида бўлиб ўтган тадбирга сал кам бир йил тайёргарлик кўрдилар. Зеро, ўтган йилнинг баҳоридаёқ ташкилотчилар билан алоқа ўрнатган яққакурашчиларимиз тинимсиз ўтказилган машғулотлар орқали намойиш этиладиган кўргазмали чиқишларни «пишириб» боришдан ташқари, миллий анъаналаримизга мос келадиган энг яхши мусиқа ва кийимларни ҳам танладилар.

Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Дунёнинг 40 дан ортиқ спорт федерациялари қатори 15 минг томошабин кўз ўнгига гиламга чиққан Ўзбек жанг санъати федерацияси вакиллари мухлис мутахассисларда катта таассурот қолдирдилар. Айниқса, адрасдан тикилган яқтакларни кийган йигит-қизларимиз аксарият жамоалардан фарқли равишда ўзига хос техник маҳорат ва жанг санъати усулларини ишқибозларнинг тишимсиз олқишлари остида намойиш қилдилар.

Шу ўринда мазкур таширф чоғида Ўзбекистон

шарқ яққакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази Бош директори ўринбосари Карим Давлетмендов ҳамда Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пулат Усмонов фестивал продюсери ва ташкилотчиси Жеслейн Баррис билан учрашиб, марказ фаолияти, миллий спорт турларимиз тарихи ҳамда замонавий яққакурашларнинг мамлакатимиздаги ривож ҳақида маълумот бергани, ўз навбатида, жаноб Баррис ўзбек жанг санъати тўғрисида видеофильм суратга олиш таклифини билдирганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари спортчиларимиз чиқишларини юқори баҳолаган ташкилотчилар ўзбекистонлик яққакурашчиларни 2014 йилги фестивалда ҳам кутиб қолишларини маълум қилдилар.

Қизиқш шу даражада кучли бўлдики, Европанинг йирик нашрларидан бири «Каратэ-Бушидо» журнали ҳамда «Пари-Премьер» телеканали федерация мутахассисларидан эксклюзив интервью олиб, ўзбек жанг санъати ҳақида алоҳида лавҳалар тайёрлашди.

Ўзбекистон шарқ яққакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида ўзбек жанг санъ-

ати ютуқларига бағишланган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда федерация вакиллари, спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пулат Усмонов Президентимиз Ислам Каримов раҳамоллигида миллий қадритларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар натижада ўзбек жанг санъати жисмоний ва маънавий камолот воситаси сифатида халқаро миқёсда тан олинаётганини таъкидлади. Мазкур спорт тури билан юртимизда кўплаб ўчил-қизлар мунтазам шуғулланмоқдалар. Федерация Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU), Жаҳон яққакураш спорт турлари ташкилоти (WASCO) ҳамда Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси (MAAI) каби нуфузли халқаро спорт ташкилотлари аъзоси сифатида фаолият юритмоқда.

2012 йили ўзбек жанг санъати усталари Литваннинг Шяуляй шаҳрида бўлиб ўтган «Спорт — ҳамма учун» халқаро ассоциациясининг V Жаҳон уйинларида, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган VI жанг санъ-

атлари Олимпиадасида, Испанияда WASCO йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида, Жанубий Корейнинг Чонг-Жу шаҳрида WoMAU томонидан ўтказилган халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди.

Мамлакатимиз ўзбек жанг санъати усталари 2013 йилнинг март ойида Францияда бўлиб ўтган XXVIII халқаро жанг санъатлари фестивалида қирқдан зиёд жамоалар орасида иккинчи ўринни эгаллади. Париж шаҳри мезбонлик қилган халқаро фестивалда Сетора Нишонова, Мафтуна Худоберова, Мафтуна Зоирова, Наргиза Хайруллаева, Гулбаҳор Ашурова, Шерпўлат Усмонов, Акмал Ҳамроев, Азамат Абдураимов ва Акбар Собировнинг маҳорати юқори баҳоланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур фестивал миллий спорт туримизнинг халқаро майдонда янада оммалашшига туртки бўлди. Вакилларимиз ушбу тадбирга тайёргарлик кўриш ҳамда унда иштирок этиш давомида эса яна бир бор буюк соҳибқироннинг муносиб авлодлари сифатида тарбияланаётганларини намойиш қилдилар.

## КАБОБ БАЙРАМИДА МАЗЗА БЎЛАДИ

13 апрель кун Тошкент вилоятида Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ташаббуси билан пойтахтимизнинг энг мохир каобпазлари ўртасида ўзига хос чемпионат ўтказилган бўлди. Маълумотларга кўра, Бўстонлик туманидаги «Хон балли» ресторанига тегишли боғда ташкил этиладиган мусобақа иштирокчилари икки йўналиш, яъни «Энг яхши уста ошпаз» ва «Энг яхши ёш ошпаз» номинацияларида голибликни кўлга киритиш учун баҳлашадилар. Эътиборлиси, «Кабоб байрами» чемпионати катнашчиларнинг гушдан тайёрланган «санъат асарлари»га юртимизнинг Фахрий ошпазларидан ташқари халқаро экспертлар, яъни Бутунжаҳон бош ошпазлар уюшмасининг (WACS) масъул ходимлари ҳам баҳо берадилар. Юртимизда биринчи марта ўтказилган бундай чемпионатда катнашиш учун пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган барча йирик ресторанларга таклифномалар жўнатилганини инобатга олсак, яқин кунларда хўрандалар Тошкентнинг энг яхши каобпазлари номини билиб оладилар.

## ҚЎЗИҚОРИНДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, баҳор ойларининг ёгингарчилик кунларида кўзакларда даракдорларда ўсим, кўчиликнинг заҳкини оширилган қўзакориларни тершига охишқи ёмон оқибатлари келтириб чиқариши мумкин. Маълумотларга кўра, юртимизда қўзакоринга ўхшаш қалпоқчали замбуруғларнинг 170 дан ортиқ тури бўлиб, уларнинг фақат 20 га яқингина истеъмолга яроқлидир. — Қўзакориларни тановул қилишдан олдин уни қайтариб олиш мақсадга мувофиқдир, — дейди Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази Овқатланиш гигиенаси бўлими мудири Омон Бўкулов. — Шу ўринда катта йўл ёқалари ёки заҳарли ва кимёвий моддалар сақланадиган оғирхоналарнинг ён-атрофида ўсган замбуруғларни истеъмол қилиш мумкин эмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Замбуруғдан захарланиш асосан асаб тизими фаолиятидаги ўзгаришлар билан характерланади. Беморда сулак оқиси, кўп терлаш, кўздан ёш оқиси кузатилиб, томир уриши секинлашади. Алаҳириш, яъни галлюцинация ҳолати содир бўлади.

## Оқсарой ёдгорлигининг сири

АЖДОДАРИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ БЎЛГАН ШАҲРИСАБЗДАГИ ОҚСАРОЙ ЁДГОРЛИГИНИ БУНЁД ЭТИШДА ҚўЛЛАНИЛГАН МЕЪМОРЧИЛИК УСЛУБИ, Фойдаланилган қурилиш ва безак материаллари ҳали ҳам дунё халқларини ҳайратга солаётир

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоиз: буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан 1380 йилда қурилиши бошланган минтақанинг ўрта асрларга оид энг машҳур меъморчилик ёдгорлиқларидан бири ҳали ўзлик ўрганилмаган. Айни пайтда ушбу маданий ёдгорликни комплекс тадқиқ этиш лойиҳаси доирасида бу ердаги фаввора ва ҳовузларда ишлатилган горизонтал мозаика ва майоликларни жаҳондаги илғор методологик услублар асосида илмий жиҳатдан текшириш, консервациялаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётди. Эътиборлиси, Темурийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларда ишлатилган мозаика ва майоликлар Франциянинг Бордо-3 университети лабораториясида ўрганилганда ўша давр кулларлари уларни сирлаш учун ишлатилган кимёвий моддалар ва рангларни тайёрлашда фойдаланиладиган инкорни шўрли қўлларда ўсувчи «баллиқ кўзи» деб аталувчи ўсимлик қулидан олганларини аниқланди.

Шаҳрисабздаги Амир Темур музейи директори, тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтовнинг таъкидлашича, «Европа куллар ассоциацияси» пре-



зиденти Мигель Каладо раҳбарлигидаги мутахассислар томонидан «баллиқ кўзи»нинг кимёвий ва физик таркиби мукаммал ўрганилиб, айни кунда ўша даврга хос мозаика, майолика ва кошнларни тайёрлаш технологияси яратилди ва шу асосда маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шаҳрисабздаги Темурийлар даврига мансуб 18 та меъморчилик обидаси ЮНЕСКОнинг

«Умуминсоният мероси» китобига киритилган бўлиб, келгусида мазкур лойиҳа доирасида ёш тадқиқотчилар малакасини Европанинг илғор марказларидан ошириш, бу ерда тўпланган тажрибаларни бошқа меъморчилик ёдгорликларида ҳам қўллаш, аждодаларимиз томонидан яратилган маданиятни жаҳон оммасига тарғиб қилиш мақсадида вертуал кўргазмалар ва веб-сайтларни ишга тушириш режалаштирилмоқда.

## ХАБАР

### ЭНДИ «ДУНЁ БЎЙЛАБ» 24 СОАТ КЕЗАМИЗ

Ўзбекистон Миллий телерадиоконмпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш ҳамда улар сифатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган «Дунё бўйлаб» телеканали март ойи охирида умумий эфир вақтини 24 соатга етказди. Эътиборлиси, эфир соатларининг оширилиши боис телетомошабинлар эътиборига янги лойиҳалар ҳам тақдим этила бошланди. Хусусан, болалар учун инглиз тилида табиат ва унинг ҳодисаларини ўргатувчи «Болалар ва табиат» («Children and Nature»), «Инглиз тили сиз учун» («English for You»), «Зиппининг инглиз тили сабоқлари» каби дастурлар тайёрланган бўлса, катталар учун «Замин ва замон», «Турфа олам», «Телемушоҳада» сингари янги кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Шу ўринда «Маданият ва маърифат» телеканали билан бир вақтда, яъни 2012 йилнинг 31 декабрида иш бошланган «Дунё бўйлаб» каналининг эфир вақти дастлаб 12 соатни ташкил этгани, январь ойи кунларида эса 18 соатгача узайтирилганини айтиш мумкин.

Ш.Хўжаев тайёрлади.

## ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 11-18 апрель кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгаришлари бўлиб, 13-15 апрелда ёгингарчилик бўлиши кутилмоқда. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсиб, 14-15 апрель кунлари 15-20 м/сгача кучайиши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 11-13 апрелда 10-15, дам олиш кунлари 7-12 даража иллик, кундузи 23-28 даража илликдан 15-20 даража илликка пасаяди. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси ва эрталаб баъзи жойларга туман тушади. Бу ерда ҳам ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 23-28 даража илликдан 15-20 даража илликка пасайиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иллик бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичи 11-13 апрелда кечаси 8-13, кундузи 23-28, hafta сўнгига бориб эса 18-23 даража илликка пасайиши кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 12-14 апрелда 23-28, 15 апрелда эса 15-20 даража илликка пасаяди Тоғли хулудларда ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 12-14 апрель кунлари 15-20, дам олиш кунлари 10-15 даража иллик бўлиши кутилмоқда.



Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иллик бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичи 11-13 апрелда кечаси 8-13, кундузи 23-28, hafta сўнгига бориб эса 18-23 даража илликка пасайиши кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 12-14 апрелда 23-28, 15 апрелда эса 15-20 даража илликка пасаяди Тоғли хулудларда ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 12-14 апрель кунлари 15-20, дам олиш кунлари 10-15 даража иллик бўлиши кутилмоқда.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти жамоаси «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Рустам Қосимовга онаси Насима аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## РЕКЛАМА

Кимё соҳасида етакчи корхоналардан бири  
**«NAVOIYAZOT» ОАЖ**  
кенг турдаги кимёвий маҳсулотларни таклиф этади

**ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

МАҲСУЛОТЛАР ҲАҚИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН САЙТИМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИНГ:  
**www.navoiyazot.uz**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5  
e-mail: office@navoiyazot.uz, Факс: (+99879) 223-75-80,  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99, e-mail: market@navoiyazot.uz  
Сотув бўлими: (+99879) 229-25-34, e-mail: sale@navoiyazot.uz

Тошкент шаҳрида ҳам савдо дўкони очилди  
Тел: +99890 954-74-19  
Маҳсулотлар сертификатланган!

XXI ASR  
ИТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



TADBIKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мукаммадасуф ТЕСАБОВЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зейдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Раъван ОХУНОВ, Шўхрат НОРТИТОВ, Шўхрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Кўям НАЗАРОВ.  
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Эўрад АБРОРОВА, Шаҳноз НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Мухаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ.  
НОСИР ТОШЕВ, Орф УЛМАСОВ, Янғобой ҚЎҶОҚОВ.  
БОШ МУХАББИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.  
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия тугмаси ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таълим, катталар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кўчма бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ўшлар ва ёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона — 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru  
© XXI ASR «дан олинган маълумотларда манба сифатида газетанинг кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМҲУ босмакорасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Буғурта рақами: J 6866. Тираж: 23195  
Баҳоси келтирилган нархда  
Тошйирлиди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2381-497X



Навбатида  
Ш.ХЎЖАЕВ, Ш.ҲАҚИМОВ.